

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АХМАДХОДЖАЕВА МУНОЖАТХОН МУТАЛИБЖАНОВНА**

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ**  
**ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШИНИ ВА**  
**МИКРОЭЛЕМЕНТ СТАТУСИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ахмадходжаева Муножатхон Муталибжановна**

Фарғона водийси мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг  
овқатланиши ва микроэлемент статусини баҳолаш..... 3

**Ахмадходжаева Муножатхон Муталибжановна**

Гигиеническая оценка питания и микроэлементного статуса у  
детей дошкольного возраста Ферганской долины..... 23

**Akhmadkhodjaeva Munojatkhon Mutalibjanovna**

Hygienic assessment of nutrition and microelement status in  
preschool children of the Fergana Valley..... 43

**Список опубликованных работ**

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АХМАДХОДЖАЕВА МУНОЖАТХОН МУТАЛИБЖАНОВНА**

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ**  
**ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШИНИ ВА**  
**МИКРОЭЛЕМЕНТ СТАТУСИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib625 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tma.uz.) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz.) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эрматов Низом Жумақулович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Искандаров Тулкин Искандарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Хаширбаева Динара Маҳкамбоевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи.илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Ф.И.Саломова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда болалар жамоасининг саломатлик ҳолатини ҳимоялаш ва мустаҳкамлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳар қандай жамиятнинг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Болалар ҳар қандай давлатнинг энг асосий сенсетив ва аҳамиятли қисми ҳисобланиб, жамиятнинг меҳнат, репродуктив ва интеллектуал қобилиятини таъминлайди. Овқатланишнинг қанчалик оқилона ва оптимал ташкил этилганлиги ўсиш ва ривожланиш жараёнлари, ташқи муҳит омилларига чидамликни ошириш, шунингдек, ўсувчи организмнинг ақлий ва жисмоний қобилияти ва фаолиятига сезиларли боғлиқ бўлади. Жаҳон амалиётида «...болаларнинг кунлик рациона таркибида кальций, фосфор, темир, йод, селен ва рух каби микронутриентларнинг физиологик эҳтиёжини баҳолаш, уларнинг етишмаслиги натижасида юзага келадиган минтақавий касалликларнинг олдини олишга қаратилган соғлом овқатлантиришни ташкиллаштириш муҳим ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади...»<sup>1</sup>. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг овқатланиш, макро ва микронутриентив статусини баҳолаш ва унинг оқибатида юзага келадиган касалликларни олдини олиш профилактик тиббиёт соҳасининг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда мактабгача таълим ёшидаги болаларни соғлом овқатланиши ва микроэлемент статусини баҳолашни оптимал вариантларини таъминлаш борасида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада мактабгача таълим ёшидаги болалар саломатлигига таъсир қилувчи эндоген ва экзоген омиллар таъсири ҳамда кунлик рацион таркибида микронутриентлар етишмаслиги натижасида ривожланадиган касалликларни тарқалишининг олдини олиш, гармоник ривожланишини таъминлашга қаратилган соғлом овқатланиш, микронутриентларнинг танқислигини олдини олишга янгича ёндошув тартибини ишлаб чиқиш, болалар орасида макро, микро ва ультрамикроэлементлар етишмаслиги оқибатида ривожланадиган алиментар боғлиқ ҳолатларнинг олдини олишнинг энг мақбул гигиеник шароитларини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, овқатланиш билан боғлиқ касалликлар натижасида юзага келадиган овқатланиш статусини бузилишини ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни тадбиқ этиш, касалланиш даражасини камайтириш, овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликларни

---

<sup>1</sup>Мартинчик А.Н. Индексы качества питания как инструмент интегральной оценки рациона питания // Вопросы питания. 2019. Т 88, № 3. С. 5-12.

олдини олиш ва ҳаёт давомийлигини ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Шунда келиб чиққан ҳолда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва соғлом овқатланиш мезонларига риоя қилиш алиментар боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, аҳолини меҳнат қобиляти, атроф-муҳит омилларига қаршилик даражаси, ҳаёт давомийлигини оширишда болалик давридаги овқатланиш ва микронутриентлар таркибига боғлиқлигини асослаш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон «Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш ва келгусида жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабридаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги 4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Гиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда нафақат ривожланмаган мамлакатлари, балким дунёнинг қатор ривожланган давлатлари АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Хитой, Япония, Россия ва бошқа мамлакатлардаги болалар орасида фас-фут маҳсулотларининг истеъмол қилиниши, уларнинг таркибидаги минерал моддалардан кальций, магний, рух ва витаминлар миқдорининг етишмаслиги овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олишда профилактик ва парҳез овқатланишни ташкиллаштириш, йод танқислик ҳолати, ортиқча тана вазни ва семириш каби муаммоларнинг ривожланишига шароит яратиш қатор муаллифларнинг ишларида қайт қилинган (Kim S., Haines P.S., Siega-Riz A.M., et al., 2003; Kaluza J., Hakansson N., Brzozowska A., Wolk A., 2009; Jiang X, Yang X, Zhang Y, Wang B, Sun L, Shang L., 2014; Jyh Eiin Wong, Haszard J.J., Howe A.S., et al., 2017). Болаларнинг соғлом ва баркамол ривожланишини таъминлаш, саломатлик ҳолатини мустаҳкамлашда мактабгача таълим ёшидаги даврда соғлом овқатланиш ҳамда кунлик рацион таркибида микроэлементлар етишмаслиги олдини олиш борасидаги манбаи ниҳоятда чегараланганлиги исботланган (Скворцов И.А., 2000; Хомская Е.Д., 2003; Куинджи Н.Н., 2009; Jane Healy, 2004; Steve Buddulph, 2006) Болаларнинг меъёрий даражадаги

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

Ўсиш ва ривожланишида микроэлементлар миқдорининг етишмаслиги натижасида юзага келадиган касалликларнинг таҳлилига биноан бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларида қатор комплекс тадқиқотлар ўтказилиши талаб этилади (Кучма В.А., 2016; А.В. Когонь, 2018; А.А.Баранов, 2019). Хорижий олимлари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотларда мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болалар организмининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиб, даврий соғлом овқатланишни ташкиллаштириш бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади (Онищенко Г.Г., 2007; Кучма В.Р., 2015).

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом овқатланиш билан боғлиқ касалланиш ҳолатини баҳолашга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда (Шайхова Г.И., 2015, 2019; Камилова Р.Т., 2018; Башарова Л.М., 2018; Хусанова Н.Ф., 2019), бироқ, кейинги 20 йил ичида мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг соғлом овқатланиш ҳолати ва микроэлемент статусини кенг қамровли ўрганиш бўйича илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Мамлакатимизда мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болалар орасида алиментар боғлиқ касалликлар даражаси, болаларнинг кунлик овқатланиш рационида микроэлементларнинг етишмаслиги натижасида юзага келадиган касалликлар, уларнинг жисмоний ривожланиш ҳолатига таъсири ўрганилмаган, шунингдек, мактаб ёшида уларда учраб турадиган касалликларнинг корреляцион боғлиқлиги аниқланмаган. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кунлик овқатланиш тартибини яхшилаш, овқатланиш рациони таркибидаги микронутриентлар етишмаслигини олдини олишга йўналтирилган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Яққол кўришиб турган ҳолат ва муаммони ўрганишнинг муҳим амалий аҳамиятига қарамасдан ушбу йўналишдаги илмий ишларнинг мавжуд эмаслиги мазкур илмий тадқиқот ишини олиб боришга шароит туғдирди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03–4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавfli омилларни бартараф этиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2022 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг овқатланиш рациони ва микроэлемент статусини гигиеник баҳолаш натижасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактабгача таълим ташкилотларида болалар саломатлик ҳолати ва касалланиши ҳамда тиббий кўриклар сифатини баҳолаш;

мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчилар мутлак овқатланиш тартибини гигиеник баҳолаш;

мактабгача таълим ташкилотларида болаларни кунлик рациона таркибидаги асосий макро ва микро ва ультра микроэлементларнинг таркибини гигиеник баҳолаш;

мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг овқатланиш статусини гигиеник баҳолаш;

мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг кунлик мақбул овқатланиш тартибини ташкиллаштиришни гигиеник шароитларни яратиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фарғона водийсида жойлашган Андижон вилояти Андижон шаҳридаги (3 ва 62-сон), Андижон туманидаги (31, 41, 42-сон), Фарғона шаҳридаги (63 ва 17-сон) Фарғона туманидаги (34, 41-сон); Наманган шаҳридаги (42, 13, 18, 21-сон); Наманган туманидаги (6, 18, 51 ва 9-сон) мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган 3–7 ёшли 3614 нафар (2004 нафар ўғил ва 1610 нафар қиз болалар) болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг касалланиш материаллари, йилнинг турли мавсумларида кунлик овқатланиш рациона ҳамда жисмоний ривожланиш, овқатланиш статусига кунлик овқатланишнинг таъсири, кунлик рацион таркибидаги оксил, ёғ, карбонсув ва минерал моддаларни миқдор ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда аналитик, гигиеник, антропометрик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим шароитидаги болаларни тиббий кўриклар асосида овқатланиш билан боғлиқ статус ўзгаришлари, бўй кўрсаткичининг пасайиши, тери, кўз склераси ва тирноқлардаги салбий ўзгаришларни инobatга олган ҳолда овқатланиш статусига боғлиқ гигиеник тавсиялар ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг кунлик рационини асосий озиқа маҳсулотлари билан бойитиш ҳисобига гўшт, балиқ, шакар маҳсулотларининг янги физиологик меъёрий кўрсаткичлари бойитиш тавсиялари ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилотларида кунлик рациона таркибидаги микро ва макроэлементларнинг етишмаслиги натижасидаги касалликларнинг хавф омилларининг сифат кўрсаткичлари асосланган;

мактабгача таълим ташкилотларидаги болаларнинг овқатланиш рационини сон ва сифат кўрсаткични ўзгаришини олдини олишга қаратилган кунлик рацион таркибини яхшилашга қаратилган гигиеник тавсиялар такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



мактабгача таълим ташкилотларининг овқатланиш блокини лойиҳалаштириш ва қуришнинг янги санитария қоида ва меъёри ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилотларининг овқатланиш тартибини гигиеник таҳлил қилиш натижасида санитария қоида ва меъёри ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаш борасида нутирентив омилларини яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг кунлик нутриент таркибидаги минерал моддаларга боғлиқ касалликларни олдини олишга қаратилган гигиеник тавсиялар тақдим этилган;

мактаб таълим ёшидаги болаларнинг кунлик овқатланиш рационининг сон ва сифат жиҳатдан таркиби баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган болалар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи аналитик, гигиеник, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг овқатланиш статусини коррекциялашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирги тараққиёт босқичида мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг овқатланиш рационининг сон ва сифат жиҳатдан тавсифи ва кунлик рацион таркибида микро-, макро- ва ультра микроэлементларнинг рацион таркибидаги миқдорини баҳолаш тартибини назарий аҳамияти, микроэлементларнинг етишмаслиги натижасида болаларнинг жисмоний ривожланишига таъсирининг ўзига хос хусусиятлари, болалар орасида микроэлементлар билан боғлиқ касалликлар ва функционал ўзгаришлари, мактабгача таълим ташкилотларидаги болаларнинг ривожланишидаги ўзгаришларнинг кунлик рационга боғлиқлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг саломатлик ҳолати, жисмоний ривожланиши, алиментар боғлиқ касалликлари ва микронутриентив етишмаслигини яхшилашга қаратилган тадбирларга янгича ёндошувлар ишлаб чиқилганлиги, мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг овқатланишини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган санитария меъёр ва қоидалар болаларнинг эҳтиёжларини қондириб, уларни оптимал озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, мактабгача таълим ташкилотларида овқатланишни соғлом минерал моддалар билан бойитилган овқатланишни амалга ошириш имконини бериш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фарғона водийсида мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг овқатланишини ва микролемент статусини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларнинг меъерий даражада ўсиш ва ривожланиши, турли фаолиятларига қўллашга шароит яратиш, болалар орасида соғлом овқатланиш ташкиллаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотларини сақланиши, жиҳозланиши ва иш шароитини ташкиллаштиришнинг санитар-гигиеник талаблари» 0355-2018-сон санитария меъёр ва қоидаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 майдаги 8н-д/165-сон маълумотномаси). Натижада аҳолини турли ҳудудларида мактабгача таълим ташкилотларида овқат тайёрлаш блоки, озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, овқатланиш ўринлари, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш жойларини меъерий кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар орасида микронутриент танқислиги натижасида юзага келадиган касалликларни олдини олиш, шакар, туз, ўсимлик мойи, мева ва сабзовотларни меъёрлаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг хавфсиз ва соғлом овқатланишга қўйилган гигиеник талаблар» 0011-2020-сон санитария меъёр ва қоидаси ишлаб чиқилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 майдаги 8н-д/165-сон маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг кунлик рацион таркибидаги асосий озиқа маҳсулотларининг кунлик меъёрига қатор ўзгартиришлар киритилган ва янги меъерий кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар орасида микронутриент танқислиги касалликлари ривожланишини хавф омилларни бартараф этиш ҳамда соғлом овқатланишни ташкиллаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида «Мактабгача таълим ёшидаги болаларни микролемент статусини баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 майдаги 8н-д/165-сон маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ёшидаги болалар кунлик рацион таркибининг издан чиқишини олдини олиш ва уни коррекциялаш, болаларнинг гормоник ривожланиши ва нутриент етишмаслигини олдини олиш ва кунлик рационни яхшилаш имконини берган;

мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида микронутриент танқислиги натижасида юзага келадиган ўзгаришларнинг инobatга олган ҳолда Фарғона водийсида мактабгача таълим ёшидаги болалар овқатланиши ва микролемент статусини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан, Ўзбекистон Республикаси санитария эпидемиология осайишталик ва жамаот саломатлиги хизмати, Сурхондарё вилояти санитария эпидемиология осойишталик ва жамаот саломатлиги хизмати ҳамда Хоразм вилояти Хонқа тумани мактабгача таълим ташкилотлари бошқармасининг амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 майдаги 08–04/4803–сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши

мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг сифатли овқатланишини ташкил этиш, саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаш бўйича тизимли профилактик ва соғломлаштириш тадбирларини йўлга қўйиш, микроэлементларнинг етишмаслиги натижасида юзага келадиган касалликлар ривожланишини эрта олдини олиш ҳамда ўз вақтида баҳолаш кўникмаларини ҳосил қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болалар овқатланишининг долзарб муаммолари**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммога тааллуқли бўлган хорижий ва маҳаллий илмий нашрлар таҳлили келтирилган. Мактабгача таълим ташкилотларидаги кунлик рацион таркибининг издан чиққанлиги, физиологик меъёрларга мос келмаслиги, рацион таркибидаги микроэлементларнинг етишмаслиги оқибатида ривожланадиган касалликлар, болалар физиологик ривожланишидаги ўзгаришларни олдини олишда кунлик овқатланиш рационларининг асосий манбаларидаги ўзгаришлар аниқланди. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг кунлик рациони таркибидаги етишмовчиликларни олдини олиш ва коррекциялаш мақсадида принципиал ёндошув ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болалар соғлом овқатланиши ва микроэлемент статусини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида

тадқиқотнинг объекти ва предмети, шунингдек, қўлланилган усуллари баён қилинган.

Тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академияси Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган. Тадқиқот ишлари Фарғона водийсининг Андижон вилояти Андижон шаҳридаги 3, 32, 62 сонли, Андижон туманидаги 31, 41, 42-сонли, Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳридаги 17 ва 63-сон, Фарғона туманидаги 4, 14-сон ҳамда Наманган вилоятининг Наманган шаҳридаги 13, 18, 21, 42-сон, Наманган туманидаги 6, 9, 18, 51-сон МТТларда ўтказилган. Ушбу тадқиқот объектлари Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот объектлари сифатида қабул қилинган. Болаларнинг саломатлик ҳолатини гуруҳлари ажратишда С.М.Громбах, В.Р.Кучма ва Г.И.Шайхова томонидан тавсия этилган 1, 2, 3, 4 ва 5 гуруҳлари асосида баҳоланган. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг касалланиш ҳолатини ўрганиш учун барча тиббий кўрикдан ўтказилган барча болалар шаҳар ва қишлоқ худудларига ажратилган тартибда баҳоланган. Назорат остига олинган болалар 3614 нафарни (2004 нафар ўғил бола ва 1610 нафар қизлар) ташкил этди. МТМларда таълим-тарбия бериш шароитларини гигиеник баҳолаш СанМваҚ 0355-сон «Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасаларида санитар қоидаларни ўрнатиш ва таъминлаш» меъёрий ҳужжат асосида олиб борилган.

МТТлар болаларнинг тиббий кўрик натижалари ҳамда мурожаатлар бўйича касалликлар таҳлили Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 (1993) асосида амалга оширилган. Тиббий кўрик жараёни сифатли ташкиллаштириш таъминлаш учун педиатр, невропатолог, отоларинголог, офтальмолог, хирург-ортопед каби тор мутахассислар жалб этилган.

Илмий натижалар сифати ва аниқлигини таъминлаш учун ўртача икки йилидаги касалланишлар тадқиқ этилди (йил боши (январ) ва охири (декабр), профилактик кўриklar маълумотлари асосида ҳар бир боланинг қайси саломатлик гуруҳларига киритилиши баҳоланган. Мактабгача таълим ёшидаги болалар саломатлик ҳолати ва ривожланиш кўрсаткичларини баҳолаш (026- ҳисоб шакли) ҳамда бола ривожланишининг харитаси (112- ҳисоб шакли) натижалари асосида баҳоланган.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар соматометрик (бўйи, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси) кўрсаткичлари (Л.М.Башарова, 2014) асосида амалга оширилган.

Овқатланиш тартиби ва сифатини баҳолаш материаллари экспедиция шароитида йилда 2 марта (қиш–баҳор ва ёз–куз мавсумларида) ўртача кунлик кўрсаткичларда 7 кун давомида болалар истеъмол қилган аниқ маҳсулотларни ҳисоб варақасида қайд этиш билан олиб борилган.

Кунлик рационда асосий озиқа моддалар ва энергетик қиймати озиқа маҳсулотларининг кимёвий таркиби бўйича ҳисобланган. Олинган натижалар «Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби» бўйича амалга оширилди. Болалардаги микроэлемент етишмаслиги нутриентив статусининг белгиларини баҳолаш натижалари асосида олиб борилган. Бунда

болаларнинг териси рангининг ўзгариши, сочларнинг тўкилиши, кўз склерасининг рангини ўзгариши, тирноқлардаги доғларнинг пайдо бўлиши, тирноқларнинг синиш каби белгилар баҳоланган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Мактабгача таълим ташкилотларида болалар саломатлик ҳолати ва касалланишини гигиеник таҳлили**» деб номланган учинчи бобда назорат остига олинган вилоятлардаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг касалланиш даражаси ва саломатлик ҳолатини гигиеник баҳолаш натижалари келтирилган. Мактабгача таълим ёши, катталар организмнинг келгусидаги нафақат ривожланиши ва узоқ умр кўриш давомийлигининг интеграл ёш даври ҳисобланади. Бу ёш давридаги ривожланиш, саломатлик ҳолати ва касалланиш даражаси энг аҳамиятли кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ёш тузилмаси таҳлилида мактабгача таълим ёшдаги болалар сони 3614 нафарни ташкил этди, улардан: 3-4 ёшлилар-896 нафар (24,8%), 4 ёшдан 5 ёшгача-793 нафар (21,9%), 5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар -740 нафар (20,5%) ва 6-7 ёшлилар эса 1185 нафарни- (32,8%) ни ташкил этди.

МТТ ёшидаги 42,8% болаларда аниқланган ўткир респиратор касалликлар (ЎРК) тез-тез такрорланиб, ўпка-бронх патологияларини ташкил қилди. Болаларда (3,8%) ЎРК негизида обструктив бронхитнинг қайталаниши қайд қилинган. ЎРКнинг асорати сифатидаги зотилжам қайд этилмади. Бундан ташқари, тадқиқотга жалб қилинган болалар орасида кулоқ, бурун, томоқ касалликлари барча ёш гуруҳлари орасида, асосан сурункали тонзиллит ва аденоидит касалликлари ҳисобига нисбатан юқори даражани ташкил этиб, бундан ташқари отитлар ҳам (5,7%) аниқланди.

Касалликларнинг учраш даражаси бўйича иккинчи ўринни темир танқислик камқонлик касаллиги 16,4% болаларда аниқланди.

Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари учинчи ўрини эгаллаб, касалликнинг учраш даражаси 9,7% болаларда кузатилди.

Тўртинчи ўринда асаб тизим касалликлари, яъни асосан болаларда берилган топшириқларни ўз вақтида бажармаслик, берилган саволларга эътиборсизлик ҳолатлари 8,5% ҳолатларда аниқланди.

Касалликларни санаб ўтилган синфлари МТТ тиббиёт ҳамширасининг назорати ҳисобланиб, умумий касалланиш ҳолатларини 82,6% ни ташкил этади. Болалар биринчи синфга келганида улардаги касалланиш тузилмасидаги етакчи ўринни марказий асаб тизими касалликлари (17,54%) эгаллайди. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар болалик ёшида асаб-рухий бузилишларни чегараланган ўсишидан гувоҳлик беради.

Бизнинг тадқиқотларимизда болалардаги чегараланган патологиялар орасида гиперкинетик бузилишлар, мотор ва нутқни ривожланишида махсус ортда қолишлар аниқланди.

Касалликларни етакчи синфлар тузилмасини ўрганишда, ошқозон ичак тизими органлари касалликлари 8,77%ни ташкил қилиб, бу қабзият, сурункали гастрит, ўт ажралиш йўли касалликлари ҳисобига шаклланди.

Кўз ва унинг ўсимта аппарати касалликлари орасида кўриш ўткирлигининг турли даражадаги бузилишлари билан юзага келадиган ўзгаришлар устунликка эга бўлди: аккомодация ва рефракцияни бузилиши (7,017%). Икки ёшдан бошлаб 7,02% болаларда сурункали қулоқ-томоқ-бурун патологиялари (бодомча безининг сурункали касалликлари ва аденоидлар) шакллана бошлаган, уларнинг сони бола беш ёшга етганда кескин ошиши, бу қисман бурун-ҳалқумни ёшга боғлиқ бўлган шаклланиши билан боғлиқдир.

Нафас олиш тизими органлари касалликлари билан касалланиш 42,8% ташкил этса, бу болаларнинг ҳаракат фаоллиги, қаршилиқ даражаси ва турли омиллар таъсирига болалар организмнинг мослашиш механизмларини жавоб реакциясини пасайганлигидан далолат беради (1-расмга қаранг).



### 1-расм. Касалликларни асосий синфлари бўйича болалардаги касалланиш тузилмаси, %

Касалликларни мазкур синфлари барча ота-оналарни фарзандларини касалланиши бўйича поликлиникага бўлган барча мурожаатларини амалий жиҳатдан йўққа чиқаради.

Диспансеризация ва саломатлик ҳолати натижалари бўйича болаларни саломатлик гуруҳлари бўйича тақсимлаш таҳлил қилинди.

I саломатлик гуруҳига 23% ни киритилган бўлиб, бу Республика статистик маълумотига мос келади; II саломатлик гуруҳига эса 70% болалар киритилиб, деярли ҳар иккинчи бола функционал ва морфофункционал бузилишлар (қомат, кўриш, нутқ бузилиши ва ясси оёқлилик, ўткир респиратор касалликлар) қайт қилинган; III саломатлик гуруҳига 7% болалар қайт қилиниб, сурункали касалликнинг фаол босқичи тўлиқ компенсацияси ёки клиник ремиссияни тез-тез кучайиш босқичидаги болалар киритилган.

Шундай қилиб, мактабгача таълим ёшдаги болалар саломатлик ҳолатини таҳлили шуни кўрсатадики, энг кўп нафас, суюк-мушак, асаб-руҳий, кўз,

овқат ҳазм қилиш тизими органлари сурункали касалликлари тарқалишини ортишини тақазо қилди.

Биринчи навбатда касалликлар даражасини камайтиришга қаратилган профилактик, чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ўз вақтида ташкил этиш, кейинчалик соғломлаштириш ишлари, оилада болалар ва ўсмирларни ақлий ва жисмоний ривожланиш ва саломатлигини сақлаш масалалари бўйича маслаҳатларни даврий ташкил этиш зарур.

Диссертациянинг **«Фарғона водийсида истиқомат қилаётган мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг мутлоқ овқатланиш ҳолатини гигиеник таҳлили»** деб номланган тўртинчи бобида Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган назорат остига олинган болаларнинг кунлик истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларнинг физиологик ва гигиеник талабларга мос келиши гигиеник таҳлил қилинган.

МТТларида истеъмол қилинаётган асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий тури ҳафтада 35 тадан кам бўлмаслиги ва 14 та асосий гуруҳга ажратилган бўлиши шарт. Кўришиб турибдики, қонуний ҳужжатларда белгиланишига қарамасдан, болалар кунлик рационда йилнинг барча фаслларида нон маҳсулотларидан бошқа барча маҳсулотларининг камлиги ҳамда энергетик қиймат нон маҳсулотлари ҳисобига тўлдирилган. Таъкидлаб ўтишимиз жоизки, шаҳар шароитига нисбатан қишлоқда истоқомат қилаётган болаларда сут маҳсулотлари, мева ва сабзотлар миқдори бирмунча юқори бўлишига қарамасдан, физиологик меъёрдан кам. Бирок, маҳсулотларнинг истеъмол даражаси Фарғона водийсининг барча вилоятларида турличадир. Гўшт маҳсулотлари шаҳар шароитида қиш-баҳор мавсумида 67,0% дан 80,0%, қишлоқ шароитида эса 65,0 дан 82% гача таъминланган. Энг ачинарлиси шуки, кунлик рацион таркибида Андижон ва Наманган вилоятларида балиқ маҳсулотлари умуман киритилмаган, Фарғона вилоятида эса аналогик тартибда 66,7%-83,3%гача таъминланган.

Сут маҳсулотларининг кунлик истеъмоли аналогик тартибда 45,7-66,9%; 59,8-62,5%гача, шакар 80-96,5% ва 82,5-99% гача, мевалар 49,2-75,1% гача, қишлоқ шароитида эса 46,6дан 76,7%га таъминланган. Ўсимлик мойининг физиологик меъёри 10 граммни бўлишига қарамасдан назорат вилоятларида меъёр 8 грамга белгиланган. Нон маҳсулотлари рационга 58%дан 81%гача ортиқча киритилган.

Шаҳар шароитида кунлик рационнинг қиш-баҳор мавсумида таъминланиш даражаси Андижон вилоятида бошқа вилоятларга нисбатан жудаям ачинарли бўлса, Наманган вилоятида қисман яхшироқ, бироқ, ёз-куз мавсумида эса айрим маҳсулотлар сут, мева ва сабзотлар миқдори қисман қиш-баҳор мавсумига нисбатан юқори бўлишига қарамасдан физиологик меъёрий кўрсаткичларга мос келмайди.

Таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Фарғона водийсининг назорат остига олинган 14 та мактабгача таълим ташкилотларининг кунлик рациони гигиеник талабга мос келмайди. Кунлик рацион таркиби нон, макарон, гуруч, хамрли увра, сут, 72,5% сариеғ, пиёз, карам, сабзи, картошкadan ташкил топган. Асосий рацион таркиби, қуритилган сут, макарон, гуруч, нон, шакардан иборат.

1-жадвал

**Фарғона водийсида шаҳар шароитида истиқомат қилаётган мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг киш-бахор мавсумида кунлик асосий озиқа маҳсулотларнинг истеъмол даражаси (3-7 ёшлилар орасида)**

Маҳсулотлар	ф/меъёр	Андижон шаҳри			Фарғона шаҳри			Наманган шаҳри		
		фактик	% нисбати	г, кам	фактик	% нисбати	г, кам	фактик	% нисбати	г, кам
Сут маҳсулотлари	565,0	335,0±15,6***	59,3	230	378,0±11,2***	66,9	187	258,0±9,6***	45,7	307
Нон маҳсулотлари	160,0	218,0±5,9***	136,3	-58	290,0±4,9***	18,1	131	235,0±8,1***	146,9	-75
Сабзовотлар	200,0	125,0±3,3***	62,5	75	156,5±6,1***	78,3	43,5	124,0±5,2***	62,0	76
Мевалар	193,0	90,0±4,1***	46,6	103	115,0±3,8***	59,6	78	148,0±5,6***	76,7	45
Картошка	120,0	85,0±3,9***	70,8	35	160,0±3,1***	133,3	-40	175,0±1,7***	145,8	-55
Гўшт маҳсулотлари	100,0	65,0±2,2***	65,0	35	80,0±2,1***	80,0	20	90,0±1,6**	90,0	10
Шакар	40,0	32,0±3,1**	80,0	8	35,0±1,0***	87,5	5	38,6±0,8	96,5	1,4
Қандолат маҳсулот	20,0	15,0±0,9***	75,0	5	16,0±0,9**	80,0	4	10,0±0,3***	50,0	10
Ҳайвон ёғи	15,0	12,5±0,7***	83,3	2,5	10,0±0,7***	66,7	5	20,0±0,4***	133,3	-5
Ўсимлик мойи	10,0	7,0±0,06***	70,0	3	8,0±0,3**	80,0	2	10,0±0,05	100,0	0
Балиқ маҳсулотлари	30,0	0,0	0,0	30	20,0±0,8***	66,7	10	0,0	0,0	30
Тухум	0,51	0,5±0,01	100,0	0	1,0±0,02***	200,0	-0,5	0,5±0,02	100,0	0
Қуруқ мевалар	10,0	5,0±0,9***	50,0	5	9,0±0,04	90,0	1	12,0±0,01**	120,0	-2
Ош тузи	5,0	5,0±0,3	100,0	-	5,0±0,2	100,0	-	5,0±0,4	-	-


Изоҳ: \* - фарқлар физиологик меъёр гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)



Бу эса харакатдаги 2 та меъёрий хужжатнинг кўрсаткичларидан кескин фарқ ва мос келмаслигини кўрсатиб турибди.

Олинган натижаларга асосланиб, кунлик рацион таркибини товук, мол, қўй, қуён ва балиқ гўштлари, 82,5%ли сариёғ, творог, пишлоқ ва сметана, қовоқ, лавлаги, турли маҳаллий мевалар ҳамда ойнинг 10 кунлигида 6 хил бўтқалар киритилиш тавсия этилди.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг энергетик ва биологик қийматини гигиеник баҳолашни мақсад қилиб олдик. Назорат остига олинган шаҳар шароитидаги МТТларда қиш-баҳор мавсумида истеъмол қилинган маҳсулотлар таркибидаги оқсилларнинг миқдори Андижон вилоятида 76,1%ни, Фарғона вилоятида 87,8%ни, Наманган вилоятида эса 89,3ни ташкил қилган бўлса, улардан ҳайвон оқсиллари 62,3дан 71,0%ни, ўсимлик оқсиллари эса Андижон вилоятида 91,8ни ташкил қилган. Фарғона вилоятида меъёрий даражадан 16,0%га, Наманган вилоятида эса 4,9% га ортиқчадир.



1—оқсиллар; 2—ҳайвон оқсиллари; 3—ўсимлик оқсиллари; 4—ёғлар; 5—ҳайвон ёғлари; 6—ўсимлик мойлари

**2-расм. Фарғона водийси мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг қиш-баҳор мавсумидаги кунлик рацион таркибидаги асосий озиқа моддаларнинг миқдори (шаҳар шароитида)**

Бундан кўриниб турибдики, кунлик рацион таркибида ўсимлик оқсилларнинг ортиқчалиги дон маҳсулотларининг меъёрий даражадан ортиқча истеъмол қилинганлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида болалар орасида моддалар алмашинувининг издан чиқишига сабаб бўлади. Кунлик рацион таркибида ёғларнинг миқдори физиологик меъёрдан 0,9 дан 1,5 мартагача камлиги кўрсатди. Ўз навбатида кунлик рацион таркибида карбонсувларнинг миқдори 0,7 дан 0,9 мартагача ортиқчалиги аниқланди. О:Ё:К нисбати эса Андижон вилоятида 1:0,94:7,98, Фарғона вилоятида 1:0,86:5,89, Наманган вилоятида эса 1:0,82:5,79 ни ташкил қилди.

Кунлик рацион таркибида карбонсувларнинг миқдори 5,4% дан 20,7% гача ортиқчадир. О:Ё:К нисбати эса Андижон вилоятида 1:0,97:7,42, Фарғона вилоятида 1:0,84:6,76, Наманган вилоятида эса 1:1,12:5,58 ни ташкил қилди. Таҳлиллардан кўришиб турибдики, Наманган вилоятида болалар кунлик рационда оксилларга нисбатан ёғларнинг нисбатий миқдорининг ортиқчалиги, бироқ, физиологик меъёрий даражаси бўйича карбонсувлар миқдори ортиқчадир.

Ёз-куз мавсумида истеъмол қилинган маҳсулотлар таркибидаги оксиллар шаҳарда 4,1 дан 19,1% гача, қишлоқ шароитида 8,9% дан 21,5% гача кам, бироқ, ўсимлик оксиллари 9,9 дан 11,5% га ортиқча, ёғлар эса 68,7 дан 93,2% га таъминланган.

Таҳлиллардан олинган натижаларга асосланиб, Фарғона водийсининг географик масофаси ва одатлари бир-бирига яқин бўлган вилоятларидаги мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг кунлик овқатланиш рационда кескин фарқлар мавжудлигини кўрсатди.

